

УДК: 619.2.618.616.49.

О.У. Қўлдошев, С.И.Мавланов, Ж.Н.Хўжамов, Х.Қувватов,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти,
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

ҚОРАМОЛЛАР ҚИСИР ҚОЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Аннотация

Часто коровы после отела 5-6 месяцев не приходят в охоту, а осемененные животные страдают переизбытком из-за инфицирования гениталий сопутствующей микрофлорой, что необходимо учитывать при лечении гениталий и стимуляции воспроизводительной функции у животных.

Наиболее эффективной оказалась пероральная дача прозерина в комбинации с гормональными препаратами (прогестерон, гонадотропин) и полимерной суспензией.

Summary

Often cows do not go hunting after 5-6 months of calving, and inseminated animals suffer from overgrazing, due to infection of the genitals with concomitant microflora, which must be taken into account when treating genitalia and stimulating reproductive function in animals.

The most effective was oral dosing of proserin in combination with hormonal preparations (progesterone, gonadotropin) and polymer suspension.

Калит сўзлар: пода, пуштсизлик, гинекологик касалликлар, даволаш, озуқа, витаминлар.

Сигирлардан унумли фойдаланиш, қисир қолишнинг олдини олиш, уруғланиш миқдори ва сифатини ошириш ҳамда ёш бузоқларни сақлаш тадбирларини йўлга қўйиш чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулдорлигини оширишнинг асосий шартлари дейиш мумкин. Озиқлантиришни яхшилаш билан бир қаторда хўжаликлардаги чорвачилик ишлари юритилишини такомиллаштириш, шунингдек, илғор фан ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш эвазига мол туёғини бирмунча кўпайтириш ҳозирги куннинг асосий вазифалардан биридир.

Қорамоллар қисир қолишнинг олдини олиш тадбирларини муваффақиятли ўтказиш учун, аввало, қисир қолишнинг сабабларини аниқлаш ҳамда гинекологик касалликларни даволашда замонавий усуллардан фойдаланиш лозим.

Ҳозирги статистик маълумотларга кўра, чорвачилик хўжаликларида подани қайта тўлдириш талабга тўла жавоб бермаяпти. Подани қайта тўлдиришни муваффақиятли амалга ошириш учун пуштсизлик ва қисир қолишга йўл қўймаслик зарур. Шу боисдан сигирлар қисир қолишига қарши курашишда яхши натижа олиш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Сигир ва таналарнинг қисир қолишида кўпгина сабаблар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари ҳайвонларни сифатсиз ёки тўйимлилиги паст озукалар билан озиқлантириш, ёмон парвариш қилиш, нотўғри сақлаш ва фойдаланиш, сунъий қочирлишни эътиборсиз ташкил қилиш ва ўтказишда камчиликларга йўл қўйилиши кабилардир. Шунингдек, жинсий аъзоларнинг туғруқ ва туғишдан кейинги даврда пайдо бўладиган турли касалликларни оқибатида ҳам пуштсизлик келиб чиқади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, зооветеринария мутахассислари сигирлар қисир қолишига қарши қўйидаги асосий вазифаларни бажаришлари талаб этилади: ҳайвонларга мустаҳкам, юқори сифатли озуқа базасини яратиш ва тўйимли озиқлантиришга эришиш, жинсий аъзоларида учрайдиган инфекцияларни йўқотиш, сигир ва таналарнинг гинекологик касалликларини янги дори-дармонлар ва усуллар ёрдамида ўз

вактида даволаш, сунъий уруғлантириш пунктларини замонавий жиҳозлаш, сигирлар ҳолатини мунтазам ветеринария кузатуvidан ўтказиш.

Бунинг учун сигирлар қисир қолишига олиб келадиган сабабларнинг олдини олишда қўйидаги ташкилий зооветеринария чора-тадбирларини ўз вақтида сифатли бажариш зарур:

– сигирлар туғишига икки ой қолганда тўйимли озукалар билан боқиш жуда муҳимдир. Чунки бу даврда сигир организмда оксит, калций, калий, утқовлар, минерал тузлар ағдарилиши ўғарати. Туғишдан кейинги дастлабки даврда шу моллар миқдори камаяди, айниқса, қиш ва эрта баҳор фаслларида озуқа раёиони ҳайвон ҳаёти учун зарур бўлган витаминларга, макро-микронизементларга бой бўлмоғи лозим, чунки улар жинсий аъзолар фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилади;

– ҳар бир ферма ветеринария-санитария талаблари асосида қурилган бўлиши, алоҳида уруғлантириш пунктига эга бўлиши лозим. Унда манеж, лаборатория ва асбоб-ускуналарни ювиб тозалайдиган хоналар бўлиши керак;

– янги туғилган бузоқлар 2-3 кун давомида онаси билан бирга сақланиб, увуз сүти билан тўйдирилса, касалланмайди;

– сигирлар туғиш учун мўлжалланган хоналарда илк бор гинекологик текширишдан ўтказилиши лозим ва туғишдан 3-5 кун ўтиши билан қунига 3-5 км юришга (моцион) мажбур қилиниши керак. Бу ишларни кўнгилдагидек ташкил қилиш сигирлар соғлиғига ва уларнинг янада тезроқ қўйга келишига ижобий таъсир қилади;

– қочирилган сигирлар бир ой давомида қайта қўйга келмаса, сўт ишлаб чиқариш гуруҳига ўтказилиши лозим;

– туғишдан кейин 60 кун давомида қўйга келмаган сигирлар ажратилиб, ветеринар ва сунъий уруғлантирувчи мутахассис билан биргаликда бунинг сабаби аниқланади, даволаш тадбирлари ўтказилади;

– микроклим мўътадил бўлмаса, бинода ёруғлик, ҳарорат, намлик етарли бўлмаса, аммиак, сероводород оксиди сингари захарли газлар меъёрдан ортик бўлса, ҳаво ҳаракатининг тезлиги ошса ва бошқа сабаблар ту-

файли сигирларнинг куйга келиши ва оталаниши кескин камаяди.

Қорамолларни урчитиш ва улар сифатини яхшилашда кўпгина тўсиклар мавжуд бўлиб, чорвачилик фермер хўжаликларида учрайдиган қорамоллар трихомонози, вибриози, кампилобактериози ва бошқа сурункали касалликлар шулар жумласидандир. Бундай касалликлар хўжаликларда бартараф этилмаса, наслчилик ишларини яхшилаб бўлмайди. Шунингдек, молларни урчитиш ва соғлом насл олишда чорвачилик фермер хўжаликларида режали равишда гинекологик касалликлар бор-йўқлиги текширишлар асосида аниқланиб, зарур чора-тадбирлар белгилаш муҳимдир. Изланишлар ва ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатадики, сигирлар туққандан кейин бир ой вақт ўтгач уруғлантирилса, ҳар 100 бош сигирдан 110 бошгача, икки ойлик вақтида оталантирилса, 103 бошгача, 80 кунда – 97 бош, 100 кунда – 91 бош, 120 кун – 85 бош соғлом бузук олиш мумкин.

30 фоизгача сигирларнинг куйга келиш муддати 6 соатга тўғри келади, 22 фоиз сигирларнинг куйга келиш даври кечки соат 18.00 дан эрталабки соат 6 гача тўғри келади. Бузук олишни кўпайтириш учун сигирларнинг куйга келишини кунда 2-3 маротабага етказиш мақсадга мувофиқ. Агар сигирларнинг куйга келиш ҳолати кунига 1 марта бўлса, унда 40% гача куйга келиш ҳолати йўқ бўлади, демак, йилнинг якунида ҳар 100 бош сигирдан 8-10 бош бузук олинмаслиги қайд қилинади.

Ҳар 100 бош сигирдан 90-95 бошдан бузук олиш мумкинлиги тажрибаларда аниқланган. Агар 1 йилда сигирларнинг 15-20% и 2 марта туққан тақдирда бунга эришиш мумкин. Бунинг учун январь – февраль ойларида сигирларнинг 15-20% и туғиб, улар март ойининг 15-20 кунларида қайтадан уруғлантирилиши лозим.

Республиканинг бир қатор чорвачилик фермер хўжаликларида қорамоллар ўртасида бузук олишнинг талабга жавоб бермаслиги қўзғатилмоқда. Кўпгина чорвачилик фермер хўжаликларида ҳар йили 25-40% сигирлардан ва 35-45% қочириш ёшидаги таналардан бузук олинмаяпти. Шу билан бир қаторда виллоятлар миқёсида подани қайта тўлдириш бўйича олинган маълумотларга қараганда, йиллар давомида ҳар 100 бош она ҳайвондан бузук олиш сони ошмаган, аксинча камайган. Бу эса хўжаликлар ва туманларда бузук олиш самарадорлигининг паст даражада эканлигидан далолат беради. Аксарият чорвачилик фермер хўжаликларида зооветеринария хизматининг тўғри йўлга қўйилганлиги натижасида бузук олиш сони ошганлиги маълум бўлди.

Қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш республика чорвадорларидан чорвачилик фермаларидаги ишларни тўғри ташкил этиш, шунингдек, ғунажинларни парваришlash ва асраш усуллари, сигирларни туғишга тайёрлашни ва бузуклар ўстиришни тўғри йўлга қўйишни тақозо этади. Бунинг учун эса биринчи навбатда, ёш бузукларни боқиш ва ўстиришни, сигирлардан кўп сут соғиб олишни, озиклантириш технологиясини, қочириш ва кўпайтиришни, куйга келиши, бўғозлик даври, қисир қолиш сабабларини пух-



та билмай туриб, маҳсулдорликка эришиб бўлмайди. Ана шу умумий жараёнлар тўла-тўқис баъжарилса, сигирлар туққандан сўнг уларнинг қайта куйга келиш муддати қисқаради. Бу чорвачилик маҳсулотлари кўпқўллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши бузук олиш сонининг кўпайишига олиб келади. Шунинг билан, чорвадорларимизнинг ветеринария соҳасидаги иш жараёнлари пухта ҳаётий тажрибалар ҳамда фан йутукларига таянган ҳолда йўлга қўйилса, кўпайиш мақсадга эришиш мумкин.

Демак, ҳайвонларни уруғлантиришга тайёргарликни бўғозлик давридан, яъни сутдан чиққан вақтидан бошлашни тавсия этамиз. Юқоридагилардан келиб чиқиб, сигирлар туққандан сўнг тезда куйга келиб оталаниши, сунъий омиллар натижасида эмас, балки табиий омиллар, яъни қуёшда сайр қилдириш, тўйимли озука рацionali билан таъминлаш, бука билан сақлаш натижасида эришиш мумкин. Сигирлар организмда кечадиган ҳар қандай жараён жинсий аъзоларига таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси умумий модда алмашинуви, яйратиш даври, молхонадаги микроклим, сигирлар бўғозлиги, туғиш ва туғишдан кейинги давлари меъёрида ўтишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Балашов Н.Г. Ветеринарный контроль при искусственном осеменении животных. – М.: "Колос", 1980. – С. 272.
2. Епишин В.А. и др. Пробиотик зоонорм при эндометрите коров // "Ветеринария". – М., 2004. – №7.
3. Муртазин Б.Ф., Қўлдошев О.У. Симптоматик пуштсизлик // "Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги". – Тошкент, 2007. – Б.18.
4. Муртазин Б.Ф., Пулатов Г.С., Қўлдошев О.У. Эмбрион ўлим // "Ветеринария". – Тошкент, 1996. – №3. – С. 16.
5. Студенцов А.П. и др. Акушерство, гинекология и биотехника размножения животных. – М.: "Колос", 2005.
6. Муртазин Б.Ф. Бактериальные аспекты акушерско-гинекологической патологии коров. Автореферат дотор наук. – Самарканд, 2009.
7. Носиров У. Ўзбекистонда наслчилик иши ва наслчилик базасини такомиллаштириш муаммолари // "Зооветеринария", 2009. – № 10. – Б 10-19.